



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (12.677)

Баҳоси эркин нарҳда




Кеча «Ўзэкспомарказ» МКК ОАЖ ҳудудида геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати мажмуаларининг тармоқ саноат ярмаркаси бошланди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

САНОАТ ЯРМАРКАСИ — ТАРМОҚЛАРАРО КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ



Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йил 1 декабрдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ аънавий тарзда ҳар йили бўлиб ўтадиган ва жорий йилнинг 28 октябрь — 1 ноябрида ўтказиладиган VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкиллаштирилмоқда.

Тармоқ саноат ярмаркасининг асосий мақсади — қайта ишланган хом ашё, металллар ва бутловчи қисмлар, тайёр товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш асосида янги маҳсулот турларини ўзлаштириш юзасидан узоқ муддатли ҳўжалик алоқаларини кенгайтиришда корхоналарга кўмаклашиш, хорижий харидорлар ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этишни режалаштираётган ҳамкорларни жалб қилиш ҳисобланади.

Ўтган йили ушбу Тармоқ саноат ярмаркаси доирасида 127 та корхона иштирок этиб, улар томонидан 1880 турдаги маҳсулот намойиш этилди, шулардан 80 таси янги турдаги маҳсулотлар ва Маҳаллийлаштириш дас-

тури асосида ўзлаштирилгандир. Ярмаркага жумладан, 35 та хорижий корхона ва компаниялар вакиллари ташриф буюриб, тадбир иштирокчилари томонидан саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш ва экспорт қилиш борасида мос равишда жами 57,3 млрд.сўм ва 4,7 млн. долларга шартномалар имзоланди.

Жорий йилда саноат ярмаркасида «Ўзбекнефтегаз» МКК, Навоий МКК, Олмалик МКК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбеккумир» ОАЖ, «Ўзбеккимёсаноат» ДАК, «Ўзметкомбинат» ОАЖ, «Тошрангметзавод» ОАЖ, «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлургия комбинати» ОАЖ ҳамда улар таркибига кирувчи корхоналар, энгил саноат, мебель ишлаб чиқарувчи ва бошқа соҳадаги жами 230 дан ортиқ корхоналари иштирок этмоқда.

Ярмарка ўтказилиши давомида Ўзбекистоннинг саноат корхоналари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг омма учун ўзларининг саноат имкониятларини намойиш этишади. Техник ва технологик имкониятлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун идора ва ҳўжалик бирлашмалари таркибига кирувчи корхоналар тақдиротлар ўтказишади ва ҳамкорлар учун тақлифлар киритишади. Шунингдек, намойиш этилаётган маҳсулотларни харид қилиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга

йўналтирилган маҳсулотларни ўзлаштириш борасида саноат кооперациясида иштирок этишади. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ташкил этишга қизиқиш билдирган хорижий ҳамкорларни жалб этиш бўйича катта ишлар олиб боришмоқда.

Буларнинг барчаси нефть, газ тармоғига импорт моддий-техник ресурслар, бутловчи қисмлар ҳажмини камайтириб бериш, валюта маблағларини тежаш ва қўшимча иш ўринларини яратиш имконини бермоқда.

Ташкил этилаётган тадбирлар натижасида саноат корхоналари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан танишиб чиқади, ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар олиб боради, янги ва жорий йилда етказиб беришга ва экспорт учун шартномалар тузади, шунингдек, янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштиришга аҳдлашув шартномаларини имзолайди.

Ярмарканинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.Ибрагимов сўзга чиқди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: тармоқ саноат ярмаркасида наваҳалар

Ислам Исмоилов олган суратлар

«Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция иштирокчилари ЎЗА мухбирлари билан суҳбатда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати ривожини, бунинг аҳоли фаровонлигини ва саломатлигини таъминлашдаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ЭНГ ТАЛАБЧАН ХАРИДОРГА ҲАМ МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Жоао БРЕДА, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Овқатланиш, жисмоний фаоллик ва семизлик бўйича дастури раҳбари:

— Президент Ислам Каримов ўз нутқида таъкидлаганидек, инсон саломатлигини, унинг узоқ ва баракали умр кўриши тўғрисида муносиб равишда асосида овқатланиш таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Мева ва сабзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозим.

Ўзбекистонда аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгилангани эътиборга молик. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда экологик тоза технологиялардан фойдаланилмоқда. Меваларингиз инсон саломатлиги учун энг муҳим бўлган микро-элементлар ва турли фойдали биологик моддаларга бой.

Бугун сайёраимиз аҳолисининг етти фоизи норацонал овқатланиш тарзи туфайли семизлик дардига йўлиққан. Вазнининг ортиб кетиши оқибатида кўплаб инсонлар айни навқирон ёшида турли хасталикларга

чалинмоқда. Буларнинг олдини олиш учун болалиқдан тиббий маданиятни шакллантириш, тўғри ва рационал овқатланиш қоидаларини болалар онгига чуқур сингдириш лозим.

Ўзбекистонда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш, спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга сазовор. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳалар кўламини янада кенгайтириб бораётгани таъсирга лойик.

Аттила КИШ, Озиқ-овқат маҳсулотлари илмий-тадқиқот институти директори (Венгрия):

— Дунё мутахассислари, етакчи олим ва экспертлар иштирок этган конференцияда Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари, босқичма-босқич амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида қўлга киритилган улкан ютуқлар билан танишиш ва бу борадаги мамлакатингизнинг бой тажрибасини ўрганиш имконига эга бўлдик.

(Давоми 2-бетда)



БИРЖА САВДОЛАРИДА ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

Республика товар хомашё биржаси мамлакатимизнинг барча ҳудудида реал вақт режимида битимларни тузиш имкониятини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиб, кўргазма-ярмарка савдолари, давлат ва корпоратив харидлар бўйича электрон аукционларни ташкил этиб келмоқда. Биржанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда филиаллари, шаҳар ва туманларда юздан зиёд савдо майдончаси мавжуд бўлиб, уларда тузилаётган битимлар ҳажми йилдан-йилга ортмоқда.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шулар ҳамда биржанинг истиқболдаги режалари ҳақида сўз юритилди.

Анжуманда таъкидланишича, ўтган йилги савдоларнинг ҳажми 5,9 триллион сўмини, валюта савдо майдончасида тузилган экспорт битимлари 124 миллион долларни ташкил этган. Савдоларда кичик бизнес вакилларининг фаоллиги ошаётгани кузатишда. Улар иштирокида амалга оширилган савдолар ҳажми 11 мартаба ошиб, 3,6 триллион сўмга етган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори давлат харидлари тизимини оптималлаштириш, уларда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирокини таъминлашда дастуруламал бўлаётди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари биржанинг кўргазма-ярмарка савдолари, давлат харидлари ва корпоратив харидларда фаол иштирок этмоқда, — дейди биржанинг кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини қўлаб-қувватлаш маркази бошлиғи ўринбосари Нуркамол Норматов. — Ҳозир ана шундай тадбиркорлар сони 9 мингга етди.

Биржанинг истиқболли йўналишларидан бири — давлат ва корпоратив харидларнинг янги механизмининг жорий этиш бўлиб, тадбиркорларнинг биржадаги фаол ҳаракатини таъминламоқда. Хусусан, сўнгги икки йилда электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 2,5 мартаба ошиб, 417 миллион сўмни ташкил этган. Бунда кичик бизнес субъектларининг етказиб берувчилар ўртасидаги улуши 2013 йилда 95 фоизга етган.

Тадбирда 730 дан зиёд брокерлик идораси ва 2 мингга яқин трейдерлар фаолият юритаётган Ўзбекистон товар хомашё биржаси МДХ мамлакатлари товар биржалари орасида етакчилар қаторига кириши, бу биржа товар айланмасининг мунтазам ўсиши ҳамда биржа орқали сотилган товарларнинг таркибий тузилмасидаги ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топаётгани таъкидланди.

Матбуот анжуманида тузилаётган битимлар ҳажми барқарор ўсишини таъминлаш, ахборот тармоқларини модернизациялаш, соҳага замонавий технологияларни янада кенгроқ жорий этиш, кичик бизнес субъектларининг биржа савдоларидаги иштирокини кенгайтириш масалалари ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши давлат университети-да Табиий бирикмалар ва полимерларни спектроскопик тадқиқ қилиш умумий тадқиқот лабораторияси иш бошлади. Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси, Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё институтлари ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

• Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида картинг спорт тури бўйича Ўзбекистон кубоги баҳсларининг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. Унда сараланган 11 жамоа иштирок этди. Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши томонидан ташкил этилган пойгада жамоалар турли йўналишлар бўйича ғолиблик учун баҳслашди.

• Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани пиллакорлари жорий йилда 3 минг 220 кути ипак курти парваришланиб, шартномада кўзда тутилган 220 тонналик «кумуш тола» хирмонини бунёд этди.

• Бухоро шаҳридаги собиқ «Бухоротекс» корхонасининг профилакторий биноси мукаммал таъмирланиб, ёшлар учун турар жойга айлантирилди.

• Қўштепалик тадбиркор Одина Мўминова яқинда «Қўштепа сарбон сервис» оилавий корхонасини ташкил этиб, аҳолига замонавий сервис хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Савдо ва хизмат кўрсатишга йўналтирилган корхонада тикувчилик цехи ташкил этилиб, ўндан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

• Европада бир неча кун ҳукм сурган иссиқ ҳарорат ўрнини кучли шамол ва ёғингарчилик эгаллади. Масалан, Францияда теннис тўпидек келадиган дўл ёғди. Бундай катта ҳажмдаги музлар автомобильлар, бинолар ҳамда уйларга жиддий зарар етказди. Қолаверса, кучли шамол юзлаб дарахларни илдири билан кўпориб ташлади.

• Мексикадаги биржанинг ҳайвонлар билан томоша кўрсатиш бутунлай тақиқланди. Шу пайтгача бундай чеклов фақатгина мамлакат пойтахтида жорий этилмаганди. Мехико шаҳар кенгашининг қароридан сўнг ушбу ҳудудда ҳам ана шундай тақиқ белгиланди. Тартибга риоя этмаганлар эса катта миқдордаги жаримага тортилади.

• АҚШнинг Флорида штатидаги Милтон шаҳрилик Жоуи Полк исми балиқчи қармоқ билан акула тутиб олди. Жониворнинг узунлиги 3,35 метрни, оғирлиги эса 365 килограммни ташкил этади. Бу ҳозирги кунгача соҳилда тутилган энг катта наҳанг сифатида қайд этилиши мумкин.

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ БАХТ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида «Ватанга хизмат — олий бахт» мавзунда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ватан, бу — инсон ва унинг авлод-аждодлари яшаган, киндик қони тўкилган муқаддас замин ҳисобланади. Ватан деганда ҳамisha ўзимиз туғилиб ўсган, таълим-тарбия олиб, вояга етган, неча-неча аждодларимиз яшаган юрт кўз олдимизга келади.

— Ички ишлар ходимлари билан «Ватанга хизмат — олий бахт» деб номланган маърифий тадбирда иштирок этдик, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоиров. — Дарҳақиқат, бу дунёда бугун ҳушёрлик ҳаммага керак. Бу дунёни ҳушёрлик, меҳр-оқибат, инсонлар ўртасидаги қадр-қиммат асрайди. Бугун биз мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган 23 йилда жуда катта имкониятларга эга бўлдик. Ана шу имкониятларда Республикадаги ички ишлар ходимларининг алоҳида ўрни бор. Зотан, халқимизнинг тинч-осойишта яшаши, орзу-хавасларига эришишларида мазкур соҳа ходимларининг хизмати беқиёс. Ҳақиқатан ҳам бу Ватанга хизмат қилиш, халқнинг қорига яраш, унинг эртанги истиқболини кўра билиш ва унга жон фидолик қилиш ўзини билган, ўзини ангаган инсон учун жуда катта бахт. Ўйлайманки, ички ишлар ходимлари ўтказилган суҳбатдан тўғри хулоса чиқаришди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг маънавий ва сиёсий билимларини юксалтириш, она Ватанга муҳаббат ҳиссини шакллантириш, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш, Ватанимиз бойликларини асраш, жаннатмакон юртимизни кўз қорачиқидек авайлаш, тинчлик ва осойишталик йўлида фидоийлик қўрсатиш, бунёдкорлик ҳаракатлари билан унинг қудратига, гуллаб-яшнашига имкон даражасида ҳисса қўшишдан иборатдир.

Маънавий-маърифий тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоиров Ватан ҳақидаги шеърларини ўқиб, ватанпарварлик ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети доценти Абдор Хидиров «Ватанга хизмат — олий бахт» деб номланган маърузаси билан иштирок этди.

Бундай маънавий-маърифий тадбирлар Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимларида мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Зарина РУСТАМОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёшлар тарбияси, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашида, эрта никоҳ ҳамда оилавий низоларнинг олдини олишда маҳалланинг вазифалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманлар

ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган тадбирда фонднинг мутасадди вакиллари, ҳамкор ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Озода Парпиева ва бошқалар мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини маъмули ташкил этиш, замонавий касб-ҳунар эгаллашига қўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга ошириляётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги жамоатчилик комиссиялари ишини тизимли ташкил этиш, самарадорлигини ошириш ҳамда оилавий низо ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, маҳаллаларда касб-ҳунар тўғрисидаги ташкил этиш ва уларга ёшларни жалб этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига услубий-амалий қўмаклашиш келинмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви етакчи мутахассиси Наргис Азаматова. — Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ўтган давр мобайнида 42 мингдан ортиқ тадбирлар ташкил этилиб, уларга ки миллионга яқин аҳоли жалб этилди. Шунингдек, эрта турмуш қуришининг

олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини қўлайлаштириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар ва жамоатчилик вакилларида иборат ишчи гуруҳи тузилган. Улар томонидан ёшлар ўртасида эрта турмушнинг олдини олиш бўйича 56 мингдан ортиқ давра суҳбатлари ташкил этилди. Натижада ота-оналар томонидан никоҳ ёшига етмаган фарзандини эрта турмушга бериш ёки уйлантиришга уринаётган 270 та ҳолат аниқланди. Тушунтириш ишлари натижасида эрта никоҳларнинг олди олинди.

Таъкидлаш жоизки, йиғит ва қизларни оила қуришга руҳий ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш, оилавий низоларнинг олдини олишда Яраштириш комиссиясининг роли катта. Ҳар йили бевосита мазкур комиссиянинг кўмаги билан 20-25 мингга яқин оилавий ажримларнинг олди олинади. Биргина 2014 йилнинг биринчи чораги мобайнида Яраштириш комиссиялари томонидан оилавий келишмовчиликлар юзасидан 19 мингдан ортиқ масалалар қўриб чиқилган бўлиб, шундан 12 минг оиладаги нотинчликларга барҳам берилган.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар тарбияси, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, эрта никоҳ ҳамда оилавий низоларни бартараф этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган устувор вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Матбуот анжуманида фонд томонидан Соғлом бола йилида оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш бўйича қўлаб тадбирлар амалга оширилиши қайд этилди. Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

электр ўтказилди, пластик қувурлар ва электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди. Лифтлар доим ишлаб турибди. Ёшлар учун замонавий йўнгонлар, аргимчоқлар, спорт майдончалари мавжуд. Автомобиллар учун ҳам тураргоҳ қурилган.

— Аъзолардан тўпланган маблағларни бошқа мақсадларга йўналтириш эмас, аксинча, уй-жой фондиди таъмирлаш, обodonлаштириш ва сақлашга сарфлаш даркор, — дейди «Нукус коммунал» ширкати раҳбари Земфира Расулова. — Зеро, ҳисобли дўст айрилмас, накли бежизга айтилмаган. Авваллари ширкатимиз 26 йўга хизмат қўрсатарди. Тасарруфдаги кўп қаватли уйлар сонининг кўплиги электр таъминоти ва лифт тизимини яхшилаш, том ва кириш йўлакларини таъмирлаш сингари ишларни ўз вақтида бажаришга ҳалал берадир. Хонадон эгалларида бепарволик кайфияти кучайди: менга нима? Йўлаклар, уйлар атрофи, болалар ўйнайдиган майдончалардан фойз кетди. Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида уйлар сонини камайтирдик. Ҳозирда иккита уйга барча эътиборимизни қаратмоқдамиз.

Президентимизнинг 2005 йил 10 февралда эълон қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим омили бўлмоқда.

Ушбу қарорга биноан вилоят марказларида, Тошкент шаҳрида, шунингдек, аҳолиси олтинчи минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга шаҳарларда уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари ташкил этилди. Уларнинг таркибига кирадиган ширкатларнинг раҳбарларини сайлашда номзодларнинг маълумоти ва мутахассислиги, иш тажрибаси, аҳоли ўртасидаги обрўси ҳамда ташкилотчилик қобилиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Миробод туманида фаолият олиб бораётган ана шундай уюшмага уч юз ўндан ортиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бирлашган. Уларда мавжуд бўлган етти юз ўн бешта кўп қаватли уйларга йиғина бешта бошқарув компанияси ва тўртта мўкинби корхоналар хизмат қўрсатмоқда.

Мазкур уюшма раиси Дилора Мустафоеванинг айтишича, бошқарувнинг бу усули кўп қаватли уйларда юзага келаятган муаммоларни ўз вақтида, сифатли ҳал этиш имконини берапти. Уларга фаолиятини яхшилаш, хизмат қўрсатувчи, эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйишга қўмаклашилмоқда. Ҳозирда маъмули бошқарув компанияларининг сони кўп сайин ортмоқда. Уларга ўзининг макъенин мустаҳкамлаш учун ёрдам қўрсатилмоқда. Натижада хизмат қўрсатувчи ташкилотларга ширкатларнинг ишончи йил сайин ортиб бораётди.

Таъкидлаш жоизки, коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бериши қўрсатилган хизматлар сифатининг янада яхшиланишида муҳим аҳамиятга эга. Бундай мутаносиблик ўз навбатида тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишининг олдини олади. Бунинг учун ширкат ва истеъмолчи, ширкат ва уларга коммунал ҳамда таъмирлаш-қурилиш хизматлари қўрсатилган корхоналар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар амалда тўлиқ ихро этилишига изчил эришмоқ даркор.

Хилола ВОХИДОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ЭНГ ТАЛАБЧАН ХАРИДОРГА ҲАМ МАНЗУР БЎЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатингиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган «Ўзбек модели» жуда самарали ва ҳаётийлиги билан халқро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганини алоҳида таъкидлаш имконидир. Ўзбекистоннинг ютуқларидан яна бири мамлакат аҳолиси интеллектуал салоҳиятининг жуда юқори эканидир. Бу омили юртингизнинг халқро ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонлик олимлар ва ишбилармонлар билан мунтазам равишда тақриб алашиб туриш, қишлоқ ҳўжалиги ва агробизнес соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан қўшма лоийҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидасиз.

Сетангон ЛЕКАВАТАНА, Таиланд қишлоқ ҳўжалиги ва кооперация вазирлигининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини рағбатлантириш ва менежмент бюроси бош эксперти:

— Халқро конференция жаҳон озиқ-овқат саноати ривожиди муҳим воқеа бўлди. Анжуман доирасида мамлакатингиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, катта-кичик дўконлар, бозор супермаркетларда бўлиб, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати борасидаги юксак салоҳияти билан бевосита танишдик. Савдо расталаридаги хилма-хил маҳсулотларни кўриб, кўз қувонади. Уларнинг кўплигини, хилма-хиллигини қай бирини танлашни ҳам билимай қоласиз. Масалан, чанқовбосди ичимликлар — маъданли сувлар, шарбатлар, салқин чойларнинг ўнлаб тури бор. Уларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани диққатга сазовор. Бу маҳсулотлар энг нозиктаб, талабчан харидорга ҳам манзур бўлади. Дунёнинг кўп жойларида озиқ-овқат тақчиллиги кузатиляётган бир пайтда Ўзбекистондаги бундай фаровонликка чин дилдан ҳавас қилдик.

Конференциядаги ишчанлик руҳи, бизга қўрсатилган самимий муносабат, ширинсуханлик ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирмади.

Жеф ВЕРКАМЕН, «Pefruit» мева етиштириш тадқиқот маркази директори (Бельгия):

— Мамлакатингиздаги фермер ҳўжалиқларида жорий этилган томчилатиб суғориш технологияси сув сарфини бир неча баробар камайтириш, ҳосилдорлиқни ва ер унумдорлигини ошириш имконини бераётгани диққатга сазовор. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида Ўзбекистондан ўрнқ олса аризулик жиҳатлар кўп. Мен юртингизда орттирган тажрибамни Бельгияда қўллаш истагидасиз.

Мамлакатингизда нафақат мева-сабзавот экинларини етиштириш, балки балиқчилик саноати ҳам яхши ривожланганига гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистон халқининг фаровон ва тўқис ҳаёт кечириши учун барча омилар мавжуд эканига ишонч қилишди. Бу тўқин бозорлар, турфа хил маҳсулотлардан кўз қамашадиган дўконлару савдо марказлари мисолида яққол кўзга ташланади.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА
ёзиб олди

2014 йил — Соғлом бола йили

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Истиқлол йилларида болалар манфаатлари ҳимояси, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада Ўзбекистон касаб уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилиб, қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон касаб уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан Фафур Фулом номли маданият ва истироҳат богиди «Касаба уюшмалари — болаларга» номли ижтимоий акция ўтказилиб, унда маҳаллаларда истикомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари, педагоглар, тарбиячилар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон касаб уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Б. Махмадалиев ва бошқалар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимоятлаб оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандларининг чет тилларини ўрганишларида қўмаклашилмоқда. Федерация Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Касаба уюшмалари — болаларга» доимий акцияси доирасида эса эртамиз эгалари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, тадбирда Меҳрибонлик уйларида 2 минг нафар тарбияланувчисига, кам таъминланган оилалар фарзандларига, 500 нафар иқтидорли ўғил-қизларга болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлнамалар берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 50 нафарга яқин фарзандлари соғлом ва истироҳат боглари, театрларга имтиёзли чипталар билан тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг «Ёшлар кенгаши» томонидан «Мурувват ҳамда Меҳрибонлик уйлари — касаба уюшмалари эътиборида» тадбири ташкил этилиб, республикамиз ҳудудларидаги 14 та Мурувват ва Меҳрибонлик уйларига компьютер жамланмалари тақдим этилди.

Мазкур акция республикамизнинг барча вилоятларидаги болаларни қамраб олди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 560 нафар бола учун Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёхатлар уюштирилди. 7 минг нафар ўғил-қиз музейлар, Республика қўғирчоқ театри, ботаника, ҳайвонот, маданият ва истироҳат богларида бўлиб, марокли хордиқ чиқардилар. Маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадий жамоалари иштирокида «Истиқлол гунаҳлари» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилди.

Шунингдек, федерация Кенгаши байрам муносабати билан ташкил этилган бир қатор маданий-маърифий ва спорт тадбирларига ҳам ҳомийлик қилди. Жумладан, «Истиқлол» санъат саройида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ташкил этилган концерт дастури, ногирон болалар Мурувват уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларининг республика босқичи шулар жумласидир.

Айтиб ўтиш жоизки, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда болалар хоналари ва майдончалари, улар учун ёзги ўйингоҳлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Айни кунларда жойларда «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Бошқарув компаниялари фаолиятдан

СИФАТЛИ ХИЗМАТ — ИШОНЧ ГАРОВИ

Бу — Миробод тумани, Қўйилқ-1 мавзеидаги «Чинор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурматжон Собировнинг сузлари.

Маҳаллада фаолият юритаётган «Камел коммунал сервис» бошқарув компанияси улар орасида энг йириги бўлиб, ўз таркибиди йиғирма битта тўрт қаватли уйни бирлаштирувчи еттига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига хизмат қўрсатмоқда. Уларга ширкатлар иш ҳажмига қараб бир ойлик тушунининг 30 фоизини тўлайди. Масалан, бир ойлик йиғиладиган маблағлар микдори уч миллион сўм бўлса, унинг бир миллион эълик минг сўмига ширкатнинг барча юмушлари бажариб берилади.

— Мазкур маблағлар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига ёрдам бериш учун яратилган 15 дан зиёда иш ўрни учун сарфланади, — дейди «Камел коммунал сервис» бошқарув компанияси раиси Феруза Фуломова. — Уларга ўз вақтида сифатли қўмак бериш учун тунда ҳам навбатчилик ташкил этганмиз. Хабарингиз бор, ҳозирда ширкат раиси жамоатчилик асосида иш юритади. Аслида дастлабки пайтларда ширкат таркибига директор, бухгалтер, сантехник, электрик, фаррош, лифтич кирарди ва тўпланадиган барча бадаллар уларга иш ҳақи сифатида тўлашга кетарди. Натижада уларнинг томи, ертўлалар қаровсиз қолиб, аҳолининг норозилигига сабаб бўла бошлади. Сўнгга кўпчилик шатлар қисқартирилса, маблағни тежаш мумкинлигини тушунди. Шу боис эндиликда ширкатлар уйларга хизмат қўрсатишни тажрибали бошқарув ташкилотларига топширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар қўрсатишининг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида маҳалладаги ҳар бир кўп қаватли уйда алоҳида ширкат ташкил этилган эди. Икки йил аввал эса оптималлаштириш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати 250 хонадондан иборат қилиб қайта тузилди.

— Битта кўп қаватли уйнинг томини ёпиш учун 17 миллион сўмдан ортиқ маблағ керак, — дейди «Қўйилқ катта коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Айнагул Тўрабоева. — Албатта бунча кўп маблағ битта кўп қаватли уйда яшовчилар учун қўпчилик қилади. Агарда бир нечта уй бирилса ва уларнинг эгалари тўловларини ўз вақтида тўлаб бурса, шунда уларнинг томини ёпиш, ертўлаларни тўзалаш ишларини навбат билан қилса бўлади. Шунда ҳам бу юмушларни четдан пудратчи ташкилот бажарадиган бўлса, ширкатга қимматга тушади. Бундай вазиятда бошқарув компаниялари юмушларни шартнома асосида бажариб, маблағни ҳам қисмларга бўлиб олиши бизга жуда қўлай. ХУЖМШ хизматлар буюртмачиси, бошқарув ташкилоти эса уларни бажарувчи ҳисобланади.

«Камел коммунал сервис» бошқарув компанияси хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига товларни капитал ва жорий таъмирлашда, кредит олиш учун ҳужжатлар

тайёрлашда, бухгалтерия юмушларини бажаришда яқиндан қўмак бермоқда. Ширкатларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш уларнинг иш самарадорлигини оширишда юртимиздаги тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар ҳам кўп келмоқда. Жорий йилда мазкур бошқарув компанияси хизмат қўрсатётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тижорат банкларида 75 миллион сўмдан зиёд сармояни имтиёзли тарзда олишди. Мазкур маблағ эвазига кўп қаватли уйларга акфа ромлар ва эшиклар қўйиш юмушлари давом этмоқда. 100 погон метр қувурлар янгиси билан алмаштирилди. Мисол учун, «Кавсар плюс коммунал сервис» ширкатида жойлашган тўртта уй тўлиқ акфа билан жиҳозланиб, эшикларга қод-

нинг истаги ва фаол иштироки билан амалга оширилмоқда.

Ҳа, ўтаётган йилларда тўпланган тажриба ва амалиёт шуни қўрсатадики, ХУЖМШнинг муваффақиятли фаолият юритиши нафақат маҳаллий давлат бошқарув органлари ёки уйдабондор раисга, балки фуқароларнинг ташаббускорлиги, фаол иштироки, ўзлари яшаётган уйнинг обод, озода ва ҳар томонлама қўлай бўлиши учун интилишига ҳам боғлиқдир. Бунинг исботи Миробод туманида муваффақиятли фаолият қўрсатётган ширкатлардан бири — «Нукус коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати мисолида ҳам кузатдик. Бу ширкат ёнма-ён жойлашган битта тўққиз қаватли ва битта тўрт қаватли уй базасида ташкил қилинган. Яъни, истикомат қилаётган

Маҳалламизда тўрт минг олти юз нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар яшайдиган 42 кўп қаватли уй атрофи кун сайин чирой очиб, ободонлашиб бормоқда. Бунда эса уйларга сервис хизматлари қўрсатиб келаятган бошқарув компанияларининг муносиб ҳиссаси бор.



ли қўлфлар ўрнатилди. Йўлаклар янги ўриндиқлар билан таъминланди.

— 2006 йилдан буюн бошқарув компанияси раҳбари бўлиб фаолият юритмоқдамиз, — дейди «Камел коммунал сервис» бошқарув компанияси раиси Феруза Фуломова. — Кейинги икки йилда соҳага бўлган эътибор янада кучайди. Фаолиятимиз учун нима керак бўлса, ҳаммаси муҳайё. Ҳаттоки имтиёзли тарзда сармоялар ажратилмоқда. Албатта, бу бизни янада руҳлантириб, янги-янги марралар сари интилишга ундайди. Ўтган йили ҳудудимизда учта болалар майдончасини қурдик. Уларнинг барчаси зарур жиҳозлар ва ўйингоҳлар билан таъминланган. Жорий йилда майдончалар атрофидаги очик жойларга эъландан зиёд ўрик қўчатлари экдик. Болалар учун спорт майдончаси қурилиши учун шағаллар олиб келиниб, ерлар текисланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу хайрли ишларнинг барчаси шу ерда яшайдиган аҳоли-

аҳоли ширкат ишларига кенг жалб этилган. Бу ерда ҳар бир яшовчи умумий иш учун фойдаланиш ҳаракатлари тўловидан қарздорлар йўқ ҳисоби. Ҳатто, кўпчилик хонадон соҳиблари тўловларини ярим йил-бир йил олдин тўлаб боришяпти.

— Уйларимизда қўлаб муаммолар мавжуд эди, — дейди 4-уйда яшовчи Бахтиёр Тошмуродов. — Илгари бадалларни ойма-йма қолдиқларни сочилиб ётарди. Кейинги йилларда вазият бутунлай ўзгарди. Бугун уйимиз олдидаги гўзаллиқни кўрган кишининг баҳри-дили очилади. Илгари уйларнинг ертўласига тушишга қўрқардик, негаки, у ерда ҳар доим сув, чиқиндилар тўпланиб ётарди, тешиклан қувурлар ҳар хил нарсалар билан «ямалган» ва жудаям қоронғи эди. Ҳозирда ертўла тўзаланиб,

Мамлакатимизда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш борасида бир қатор ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий маъқенини ошириш, жамиятда кечаётган ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш, хусусан, давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, оилада, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувда, ижтимоий ҳаётда, жамоат ташкилотларида, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш сингари масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Хотин-қизларнинг жамиятдаги мақоми ва маъқени кўтариш, уларнинг ҳурмати жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг, жамиятимизнинг устувори йўналишларидан бирига айланиши лозим». Демак, хотин-қизларнинг оилани шакллантириш ва мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, давлат, жамият ва маданий қурилишдаги юксак маъқенининг эътирофи этилиши билан биргаликда, уларнинг юртимиз истиқболлини янада яхшилаш ва салохиятини юксакка кўтариш борасидаги ўрни юқоридир.

Мустақиллик йилларида юртимиз хотин-қизларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этишлари учун улкан имкониятлар пайдо бўлди. Айниқса, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда республикада адлия органлари томонидан 7 минг 800 та нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда 60 га яқин халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхона, филиаллари давлат рўйхатида олинган.

Бугун мамлакатимизда бир қатор жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Республика касба уюмлари федерацияси Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Оила» маркази шулар жумласидандир.

Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси, туман касба уюмлари, Маънавият тарғибот маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Оила» маркази, «Тадбиркор аёллар» ва «Олима аёллар» уюмлари туман бўлиmlари билан ҳамкорликда аҳолининг ижтимоий-маънавий шароитини яхшилаш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда маҳаллаларда ташкил этилган жамоатчи гуруҳларнинг ўрни бекиёс. Миробод туманидаги 39 та маҳаллада бешта йўналиш бўйича жамоатчи гуруҳлар ташкил топган бўлиб, улар ҳамкорликда оилаларнинг ижтимоий маъқе, аҳолининг саломатлиги, иш билан таъминланганлиги, эрта турмуш қуришининг олдини олиш, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш борасида Миробод туманида «Оилада қайнона ва қайнотанинг роли» мавзусида давра суҳбати «Парвона» маҳалласида жойлашган 12-сонли болалар санъат ва мусиқа

мактабда ўтказилди. Тадбирда тумандаги барча маҳаллалардан энг намунали қайнона ва қайноталар қатнашди. Ушбу тадбирни ўтказишда туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» маркази туман бўлиmlари яқиндан ёрдам берди. Ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини сақлаб қолишда оилада катталарнинг салохияти, кўп йиллик тажрибаларига суяниш тадбирнинг асосий мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди.

Туманда соғлом муҳитни яратиш ва ёш оилалар ажримларининг олдини олиш мақсадида ҳам қатор тадбирлар, «Бир оила барпо бўлгунча» мавзусидаги давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказиб келин-

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТимоий фаоллигини ОШИРИШ йўлида

моқда. Ёшларни ҳаётга тайёрлаш, ажримларнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам изчиллик билан олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳар Шейпинг федерацияси раиси, бошлангич хотин-қизлар кўмита раиси Е.Самохвалова бошчилигида 18 йилдан бери туманда шейпинг федерацияси фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда спортнинг ушбу турига 300 га яқин хотин-қизлар қатнашмоқдалар. Саломатлигини тиклаш мақсадида бўлган кексалар ва ёшлар учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган.

«Соғлом бола йили» туман ҳудудий дастурининг ижроси юзасидан фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзига амал қилиши, энг аввало, ёшларимизнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам Миробод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан «Соғлом бола келажак пойдевори» тадбирлари уюштирилди. 950 дан ортиқ қизлар ҳоким кубоги учун беллашдилар, спорт мусобақалари ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Миробод тумани ижтимоий ҳаётда ўз ҳиссасини қўшаётган ва бу жараёнда фаол иштирок этаётган 16 нафар аёлларимиз Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасининг ташаккурномаси, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмитасининг мактуб ёрлиқлари билан тақдирланди.

Она қўлининг тинчлиги ва обониятига асосан раш учун мардлик ва жасорат кўрсатган боболаримиз хотирасини улуғлаш, нуронийларни қадрлаш халқимизга хос эзгу қасдлардан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони доирасида Миробод туманида ҳам турли маънавий тадбирлар таш-

кил этилди. Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш борасида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ ва Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳамда меҳнат фахрийлари учун хайрия тадбирлари ташкил этилди. Шу билан бирга Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда тумандаги яқка ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди.

2013-2014 йил касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни битирувчи қизларимиз 1890 нафарни ташкил этди. Жойларда фаолият кўрсатаётган жамоатчи гуруҳ вакиллари, таълим муассасаси раҳбарлари ва уларнинг касбий таълим бўйича ўринбосарлари ҳамкорлигида ота-оналар ва битирувчи қизларимиз билан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Тумандаги барча касб-хунар коллежи ва академик лицейларда Республика ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан битирувчи қизлар учун таблар ташкил этилиб, улар иштирокида қатор семинарлар ўтказилди. Шунингдек, битирувчи қизлар ҳамда уларнинг ота-оналари билан давра суҳбатлари ўтказилди. Битирувчи қизлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтираётган саволларига Миробод тумани ҳокими жавоб берди.

Яқка тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида тумандаги 39 та маҳаллада алоҳида режа асосида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, бандликка қўмаклашиш маркази томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, туман бандликка қўмаклашиш маркази томонидан тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган хотин-қизлар билан давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Давра суҳбатларида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, қасанчилик асосида уй меҳнатини ташкил қилиш юзасидан тарғибот ишлари олиб боришмоқда. 2014 йилнинг 1 чорагида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш истagini билдирган жисмоний шахслар (яқка тартибдаги тадбиркорлар)нинг 258 нафари давлат рўйхатидан ўтган.

Жамиятимиз ҳаётининг ижтимоий ва сиёсий соҳаларида хотин-қизларнинг тугган ўрнини ўрганиш ҳамда хотин-қизлар ташкилотларининг жамият ҳаётининг фаол субъектлари сифатидаги фаолиятини таҳлил этиш, аёлларнинг сиёсий жараёнларга жалб этилиши ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этишда ННТ алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга ННТ жамият ҳаётда аёллар маъқенини мустаҳкамлашга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқиш борасида, хотин-қизларнинг ижтимоий ва психологик ҳусусиятларини тадқиқ этган ҳолда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига хос ҳусусиятларни татбиқ этиш имконини берувчи ижтимоий омилини аниқлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий соҳалардаги фаоллигини оширишнинг объектив шарт-шароитларини таҳлил қилиш, борасида, раҳбар ва тадбиркор хотин-қизлар, касбий маҳоратини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ҳам амалий тавсиялар ишлаб чиқиш сингари долзарб вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Феруза МАДАМИНОВА,
Миробод тумани ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар кўмитаси раиси

Анжуманлар

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг кодекслар, кодексларга шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий нашр сифатида чоп этишга ихтисослаштирилган, республикада ягона бўлган «Адолат» нашриётининг таъсис этилиши ҳам юқоридаги хайрли мақсад йўлида ташланган қадамлардан бири бўлди.

Дарҳақиқат, Адлия вазирлиги тизимининг маърифий тармоғи саналган «Адолат» нашриёти Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва такомиллаштириш, аҳолини ҳуқуқий нашрлар билан таъминлашга қаратилган адабиётлар чоп этиш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан «Адолат» нашриёти давлат корхонасида соҳада амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш мақсадида «Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият гултожи» шiori остида «Адолат» нашриёти: кеча ва бугун» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида айнан юқоридаги фикрлар айтиб ўтилди.

— Ҳуқуқий нашрлар орасида Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, кодекслар, қомусий тўпламлар, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан бир қаторда, илмий-оммабоп китоблар, дарслик ва ўқув қўланмалари, «Ўзбек детективи» туркумида чоп этилган қизиқарли бадиий адабиётлар, ҳуқуқий рисоалар ҳам бор, дейди «Адолат» нашриёти бош муҳаррири Абдулхамид Омонов. — Айниқса, ёшларни ҳуқуқий меросимиз билан таништириш, шу билан бирга, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида «Ҳуқуқий меросимиз хазинасидан», «Ахлоқ. Адаб. Адолат» туркумида ҳам бир қатор дурдона асарлар нашр қилинди. Бу анъана бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

«Адолат» нашриёти томонидан ўтган давр мобайнида 700 дан ортиқ номланишдаги 8 миллион нусхадан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларига оид илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик, ўқув қўланмалари ва бошқа адабиётлар нашр этилди. Қонун ҳужжатларини халқимизга содда ва тушунарли тарзда етказиш мақсадида ҳуқуқшунос олимлар билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига шарҳларни яратиш изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, қатор қонун ҳужжатларига шарҳлар, пенсия таъминоти, хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, меҳнат қонунчилигида оид ўнлаб адабиётлар шулар жумласидандир.

— Корхонамизда халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора кенгайиб бормоқда, — дейди нашриёт муҳаррири Гулбаҳор Ортиққўжаева. — БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт дастури, Тинчлик корпуси, ЮНЕСКО, Халқаро Қизил Хоч ташкилоти, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти, чет мамлакатларнинг юртимиздаги элчихоналари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермоқда. Шу билан бирга нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳам изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Анжуманда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба — «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»лари, илмий-оммабоп адабиётларнинг нашр этилиши ва уларни тарқатиш, Ўзбекистон расмий нашрларини хорижий давлатларга юбориш, ўз навбатида хорижий давлатлардан ҳам расмий нашрлар қабул қилиш борасидаги ахборот алмашинуви юзасидан ҳам фикр юритилди.

Шунингдек, тадбир доирасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, ҳуқуқий нашрларни чоп этиш ва тарқатиш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама этилди, саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Реклама ўрнида

ТАДБИРКОРЛАРГА КРЕДИТЛАР — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада янги имконият эшикларини очмоқда.

Юртимизда айни кунларда ўттиздан ортиқ банклар самарали фаолият кўрсатиб келаётган бўлса, улар орасида «Капиталбанк» ОАТБнинг ҳам муносиб ўрни бор. Банк томонидан тизимда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва мижозларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш, фаолиятларини ривожлантиришларига муносиб ҳисса қўлиш борасида самарали иш олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг 5 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ҳамда қўлай бизнес муҳитини яратиш мақсадида «Капиталбанк» ОАТБ томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 102,4 миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан хўжалик юритувчи субъектлар 26,05 миллиард сўмлик кредитлар билан таъминланди.

— Корхонамиз ўз фаолиятини 2006 йилда бошлаган бўлиб, 2010 йилдан бошлаб «Капиталбанк» ОАТБнинг Самарқанд филиали хизматидан фой-

даланиб келамиз, — дейди «Sam metal comfort» хусусий корхонаси директори Амин Турсунов. — Банк томонидан тақлиф этилган кредит турлари корхонамиз ривожланишида муҳим ҳисса бўлди. Асосий фаолиятимиз темир ва металл парчаларидан уй-ўрзор буюмлари ишлаб чиқаришдан иборат. 2013 йилда ажратилган 70 миллион сўмлик кредит ҳисобига махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 160 миллион сўмга ошди, 3 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирга қадар 214 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Келажакда корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш, аҳолига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича олдимизга аниқ мақсадларни қўйганмиз. Бунда албатта яқин ҳамкорлигимизга айланган «Капиталбанк» ОАТБга мурожаат этишимиз. Ишончлики, банк мижозлари манфаатини устуун қўйиб бизга яқиндан ёрдам кўрсатади. Фурсатдан фойдаланиб банк ходимларига намунали хизмат учун миннатдорчилик билдириб ўтмоқчиман.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, банк томонидан Юртбошимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жалдлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича ажратилган кредитлар мақдори 9,1миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу даврда оилавий тадбир-

корлик ва хунармандчилик йўналишига умумий миқдорда 335,8 миллион сўм кредит ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобига яратилган янги иш ўринлари сони 346 тани ташкил этиб, шундан 299 таси кичик бизнес субъектларига тегишлидир.

— Бизнинг «Abbos Sabina Baraka savdo» оилавий корхонамиз Paynet тизимида жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш бўйича хизмат кўрсатади, — дейди кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона раҳбари А. Абдулқосимов. — Жами қиймати 48,5 миллион сўмлик лойиҳа асосида, 2013 йил март ойида ажратилган 38,5 миллион сўм кредит эвазига иш бошлаганимиз. Шунинг ҳисобига қўшимча 2 та янги иш ўрни яратилди. Шу кунга қадар фуқароларга жами 1 миллиард 561,5 миллион сўмлик, шундан пластик карталари орқали 201,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Биз келажакда «Капиталбанк» ОАТБ билан алоқаларни янада кенгайтириб, олдимизга қўйилган мақсадни амалга ошириш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат даражасини янада яхшилашни ният қилганимиз. Шу билан биргаликда банк ходимларининг биз каби тадбиркорларга кўрсатаётган юқори даражадаги хизмати учун, элу қур фаровонлиги йўлидаги хайрли ишлардан асло чарчаманг, дея ният билдириб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) директорлик лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Мирзо Улугбек саноат касб-хунар коллежи	Мирзо Улугбек тумани, 1-ТТЗ мавзеси, 47-уй
2	Тошкент Халқаро Вестминстер университет қошидаги академик лицей	Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стаж талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стаж талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3x4 ўлчамли 6 донга фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилди.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Халқаро Олимпия кўмитаси шафелигида ҳар йили дунёнинг икки юздан зиёд мамлакатидан ташкил этиладиган бундай мусобақа сўхат-саломатлик ва спорт байрами — замонавий Олимпия ҳаракатига асос солинган кунга бағишлаб ўтказилади.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Республика енгил атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мадкур мусобақадан кўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида Олимпия тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишдан иборат.

Тадбирнинг очилишида Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашнинг кучли воситаси сифатида спортни ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Ўзбекистон спортчилари мустақил жамоа сифатида ёзги Олимпия ўйинларидаги иштирокини 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳридаги мусобақалардан бошлаган. Спортчиларимиз шу кунгача Олимпиада ўйинларида бештадан олтин ва кумуш, ўн та бронза — жами йигирма медални қўлга киритди.



Елқин Шамсиддинов (ўзА) олган суратлар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Олимпия кунига бағишлаб аънавий республика югуриш мусобақаси бўлиб ўтди.

нишида ҳам муҳим аҳамият касб этмокда.

ларга ҳар томонлама пухта тайёрланиши ва муносиб иштирок этиши, терма жамоаларни янги истеъодлар билан бойитишда муҳим омил бўлаётди.

Аънавий югуриш мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган турли ёшдаги 800 нафардан зиёд спортчи ва ҳаваскор қатнашди.

— Бу каби турнирлар бизни янги янги марралар сари илҳомлантиради, — дейди енгил атлетика бўйича кўп қарра мамлакат чемпиони, Ўзфиса номидаги Давлат мукофоти соҳибига Ёқутхон Холбекова. — Спорт нафақат мусобақаларда иштирок этиш учун, балки кундалик ҳаётда, жисмонан ва руҳан соғлом бўлиб юришда муҳим аҳамиятга эга.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига сертификатлар топширилди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎзА муҳбири

2014 йил — Соғлом бола йили

ОЛИМПИА КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Ўмид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилиши билан бирга, улар орасидан келажақда спортчи сифатида юксак марраларни забт этишга қодир иқтидор эгалари шаклланди.

Айни пайтда мамлакатимиз спортчилари навбатдаги Олимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўрмокда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори спортчиларимизнинг нуфузли мусобақа-

Донор ишчи ёки бизнесмен, талаба ёки уй бекаси бўлса-да, бироқ у ўзини муштарак бегона бўлган инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун яшаётганини билувчи инсондир.

14 июнь — Бутунжаҳон донорлар кuni

ЎЗГАЛАР САЛОМАТЛИГИНИНГ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Донор ўз соғлиғига жавобгар бўлиши билан бирга, бошига қулфат тушган инсоннинг саломатлиги учун ҳам масъулдир.

2005 йилнинг май ойидан бошлаб Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш вазирлиги 14 июнь кунини Бутунжаҳон донорлар кuni деб эълон қилди.

Шаҳримизда 13 майдан донорлик оyi бошланди. Унга пойтахт туманларидаги ҳар бир даволаш-профилактика муассасаси жалб қилинган. Бундан ташқари кўча бригада маҳаллаларга, олий ўқув юртиларига, корхоналарга, поликлиникаларга бормокда.

Донорнинг вазифаси соғлом турмуш тарзига мос тарзда яшаб, тўғри овқатланиш ва витаминли маҳсулотларни истеъмол қилишдан иборат, спиртли ичимликлардан ва илоҳи бўлса чекишдан воз кечиши, қон топириш орасидаги ораликқа риоя қилишдан иборат.

Қон топириш орасидаги оралик 60 кундан ошиши керак. Эрақлар учун бир йилда 5 марта, аёллар учун 4 марта қон топириш мумкин. Донор қон топиригандан кейин 30 кун ўтиб плазма топириши мумкин. Битта донор учун плазмафорез муолажаларининг энг кўп сони бир йилда 20 та муолажани ташкил қилади.

Аёлларга ҳомиладорликда, кўрак сутти билан бола озиқлантирилаётган вақтда қон топириш мумкин эмас.

Донорлардан қон топиришдан олдин қон гуруҳи, резус фактор, қоннинг умумий таҳлили (асосан гемоглабин даражаси текширилади) аниқланади, шифокор кўригидан ўтилади. ВИЧ, захм, бруцеллез, гепатит Б,С, жигар кўрсаткичлари текширилади. Қон топиригандан кейин кун давомида оғир юк кўтариш, оғир жисмоний меҳнат қилиш мумкин эмас. Икки кун давомида икки литргача суюқлик (шарбат, қайнаган сув, чой, компот) ичиш лозим. Истеъмол қилинаётган маҳсулотлар тўлақонли ва оқилга бой бўлиши керак.

Фарида САЛИХОДЖАЕВА,
«Қон препаратлари» ИИЧК донорлар бўлими шифокори

«101»

БОЛАЛАРНИ ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Оловнинг ҳаётимизда тутган ўрни катта. Унинг ёрдамида кўпинча фойдали ишларни қилишимиз, шу билан бир қаторда фалокатли ҳолларга тушиб қолишимиз ҳам мумкин.

Шу каби кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ушбу масала бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришмокда. Улар фуқароларимизга ёнғинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий омил бўлаётганини, лоқайдлик сабаб уй-жойлар куйиб кулга айланаётганини мисоллар ёрдамида тушунтириб боришмокда.

Айниқса, ёш болаларни қаровсиз қолдириш аҳоли турар жойларида ёнғинга олиб

келувчи бош сабаблардан бири ҳисобланади. Бола қаровсиз қолдирилса ўзича гурут ўйнаши, электр асбобларини ишлатиб кўриши мумкин. Табиийки, ёш бола ўз ишининг оқибатини тўла тасаввур эта олмайди, қолаверса, у ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги аниқ. Шу сабабли ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса мақсадга мувофиқ бўлади.

Айдўст БАЙИРБЕКОВ,
20-ХЕХК инспектори, сержант

Ҳозирги кунда турмушимизда «зангори олов» — газ энг қулай ёниш сифатида кенг қўлланилади. Газдан тўғри фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиш эса ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Озгина эътиборсизлик оқибатида ёнғин келиб чиқиши ва оилага, давлатга моддий зарар етказиши мумкин.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун эса газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш зарур. Хусусан, газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилгига камидан бир марта тазаланиши лозим. Газ печкаларини уч соатдан ортқ узлуксиз ёқиб қўйиш мумкин эмас. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гурут билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан ҳисобланади.

ҚОИДАЛАРГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

Лак, бўёқ, мебель, синтетик кийимга оз миқдорда учун текканда ҳам алданга олиши мумкин, шу сабабли уларни печка ёнида сақлаш мумкин эмас. Ҳозирги кунда кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, уй жиҳозлари, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишидан ташқари ўзидан кўплаб зарарли моддалар ажратиб чиқаради. Тутун таркибида ҳавога кўтариладиган кислоталар, углеродлар, оксидланган азот, захарли газ хонадон эгалари

ҳаётини хавф остида қолдиради.

Хулоса қилиб айтганда, ёнғин чиқишининг олдини олиш, ана шу офат келтирувчи ҳодисага қарши кураш қоидаларига риоя қилиш, газдан, электр асбобларидан тўғри ва ҳушёрлик билан фойдаланиш зарур. Шунда биз «тилсиз ёв» ҳужумининг олдини олган бўламиз.

Зафар АКБАРОВ,
12-ХЕХО 24-ХЕХК а/п
смена бошлиғи,
капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 15 июль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмокда:

1. Юнусобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 12 ноябрь кунги 10-1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юксалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., умумий майдони 780 кв.м. бўлган, 2 қаватли ва ертўлали дўкон биноси. Бошланғич нархи — 1 802 694 000 сўм.

2. Сергели туман СИБ томонидан, ФИБ Яққасарой туманлараро судининг 2014 йил 24 январь кунги 1-254/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлик-7 мавзеси, Адолат 3-тор кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., қурилиш ости майдони 410,13 кв.м., фойдаланиш майдони 55,08 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 136 128 000 сўм.

3. Сергели туман СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 2013 йил 25 декабрь кунги 1-871/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 46/47-уй, 35-хонадонда жойлашган, умумий майдони 37,80 кв.м., яшаш майдони 25,93 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 45 124 170 сўм.

4. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 14 март кунги 10-1304/249-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-4 мавзеси, 41-уйда жойлашган, умумий ер майдони 13672 кв.м., умумий майдони 4310 кв.м. бўлган, маъмурий бино, цех ва омборхона бинолари. Бошланғич нархи — 2 116 811 070 сўм.

2014 йил 1 июль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмокда:

1. Сергели туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туман судининг 2013 йил 12 февраль кунги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарё бўйи 2-берк кўчаси, 6-уй, 6-хонадонда жойлашган, 1960 йилда қурилган, яшаш майдони 33,92 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 16 644 382 сўм.

2. Ҳамза туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 10 май кунги 1-867/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шавкат 1-тор кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 400 кв.м., қурилиш ости майдони 306,60 кв.м. бўлган турар жой. Бошланғич нархи — 60 000 000 сўм.

3. Ҳамза туман СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 2013 йил 19 февраль кунги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23/5-уй, 7-хонадонда жойлашган, умумий ер майдони 336 кв.м., фойдаланиш майдони 82,63 кв.м. бўлган турар жой. Бошланғич нархи — 78 080 000 сўм.

4. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2013 йил 18 май кунги 1-4832/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Эзгулик берк кўчаси (аввалги Ф.Умаров 1-берк кўчаси), 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 314 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 135,29 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 66 927 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кuni қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш истагидан бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капитал-банк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: М 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.



маз эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундизи — 36-38 даража исити бўлади. Ўзгидрометнинг маълумотиригез ҳисобати маълумотида кўра 13 ва 14 июль эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво ҳолатида зарари моддаларини бир оз илғишига имконият яратди, шифосидаш тазмивдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 13 июль кuni ҳаво ўзгариб туради, ёнғин-гарчилик бўлмайди. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезликда ша-

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 656

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11961 нускада босилди.
Қозғо бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Топириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 14.30